

geligimiz talabalari ushın qaraqalpaq tilinde tayar virtual laboratoriya jumislari payda boladı.

Demek, xabar-kommunikaciya texnologiyaların bilimlendiriw procesine endiriw oqıtw sıpatın kóteriwe, bilim alıwshılardıń qızıǵıwshılıǵın arttırıwǵa, hár bir mashqalanıń sheshimin tabıw ushın individual qatnasta bolıwǵa hám sabaq procesinde waqıttı únemli paydalanıwǵa múmkinshilik beredi.

Ádebiyatlar

1. «Fizika sohasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida» O'zbekiston respublikasi prezidentining PQ-5032-son qarori.
2. Селевко Г. К. Современные образовательные технологии. // -М.: «Народное образование», 1998. –С. 256.
3. Каменецкий С.Е., Пурешева Н.С., Вадеевская Н.Е. и др. Теория и методика обучения физике в школе: общие вопросы. Учебное пособие для студентов высших педагогических учебных заведений. // Под ред С.Е.Каменецкого, Н.С.Пурешева. –М.: «Академия», 2000. –С. 369.
4. Begimqulov U.S.H. Pedagogik ta'limda zamonaviy axborot texnologiyalarni joriy etishning ilmiy-nazariy asoslari. –Toshkent: «Fan», 2007.
5. Беспалько В.П. Образование и обучение с участием компьютеров (педагогика третьего тысячелетия). –М.: 2002. –С. 349.

REZYUME

Maqolada ta'lim tizimi sifatini oshirish borasidagi vazifalar haqida, bu masalalarni echishda kompyuter texnologiyalarining o'rnı to'g'risida so'z etilgan. Kompyuter dastur va texnologiyalari orqali ma'lum yo'nalishda zaruriy ko'nikmalarni hosil qilishga yordam beradi. Bugungi kunga kelib ta'lim jarayonining texnologik bazasini hozirgi zamon texnik vositalarini joriy etish yo'li bilan takomillashtirish, ta'lim tizimini modernizatsiyalashning asosi bo'lmoqta. Shunki, kompyuter – talim oluvchilar uchun yangi informatsiyalarni olish manbayi va intellektual ishchanlik instrumenti bo'lib hisoblanadi.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются задачи повышения качества системы образования, роль компьютерных технологий в решении этих проблем. Сегодня совершенствование технологической базы образовательного процесса за счет внедрения современных технических средств является основой модернизации системы образования. Потому что компьютер - это источник новой информации для студентов и инструмент интеллектуальной деятельности.

SUMMARY

The article discusses the tasks of improving the quality of the education system, the role of computer technologies in solving these problems. Today, improving the technological base of the educational process through the introduction of modern technical means is the basis for the modernization of the education system. Because a computer is a source of new information for students and a tool for intellectual activity.

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ИЛМІЙ – НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

А.К.Кадрекова – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Р.Н.Рахманов – катта ўқитувчи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Таянч сўзлар: болалар, бола ҳуқуқлари, конвенция, конституция, болалар фаровонлигини таъминлаш.

Ключевые слова: дети, права детей, конвенция, конституция, благополучие детей.

Key words: children, children's rights, conventions, constitutions, child welfare.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президент Ш.Мирзиёев жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида фикр билдиради экан: “Биз жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларимизни узлуксиз давом эттиришимиз зарур. Ҳуқуқий тарбияни мактабгача таълим тизимидан бошлашимиз, бу борадаги илк кўникмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод жой олиши зарур”, деб таъкидлади [1].

Бу борадаги аниқ мақсад ва вазифаларни белгилашда қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ:

болалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган қонулар ва қонуности ҳужжатларни ўқитувчилар ва ота-оналарга тушунтириш ишларининг самарали шакл, метод ва воситаларини аниқлаш, амалиётга татбиқ этиш;

болаларга таълим бериш, уларни тарбиялаш ва ривожлантириш сифатини ошириш мақсадида узлуксиз таълим тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

мамлакатимизда болалар фаровонлигини таъминлашда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш;

ҳамоларни бугунги кунда уларнинг онгига салбий таъсир кўрсатаётган, ҳуқуқбузарлик, жиноят ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишга ундаётган “оммавий маданият” таъсиридан асраш;

болалар ҳуқуқларининг таъминланганлик даражасини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш;

болалар фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилишини янада кучайтириш;

бола ҳуқуқлари, бола ҳуқуқларининг ҳимояланиши, болалар савдоси, болаларга нисбатан зўравонлик каби ҳолатларни тушуниш учун болаларда, аввало, бола ҳуқуқларига оид тушунчаларни шакллантириш талаб этилади.

Бундай тушунчаларни умумий ўрта таълим тизимининг бошланғич синф ўқувчиларидан бошлаб шакллантириш уларда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий дунёқараш шаклланишига имкон яратади.

Бугунги кунда мамлакатимизда бола ҳуқуқлари, айниқса, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бола ҳуқуқларини таъминлашга доир қатор фармон ва қарорлари қабул қилиниб, соҳалар кесимида ижрога қаратилди. Жумладан, таълим тизимида янги 11 йиллик умумий ўрта таълимнинг мажбурий этиб белгиланиши, касб-хунар таълимининг 11 йиллик база негизида қабул қилиниши, болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилиши, касб-хунар таълимининг ихтиёрийлиги, олий таълимда квоталанган ўринларнинг жорий этилиши, энг муҳими, мактабгача таълим-тарбиянинг алоҳида йўналишда белгиланиши учун самарали механизм яратиб берилди.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси билан бошланади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ратификация қилинган дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциядир. *Халқаро ҳуқуқда болаларнинг ҳам ҳуқуқларга эга эканлиги Миллатлар лигаси томонидан бу борадаги биринчи халқаро ҳужжат – Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация қабул қилинган 1924 йилдаёқ тан олинган эди. Кейинроқ, 1948 йилда, БМТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва минтақавий характердаги айнан шу йилдаги Инсон ҳуқуқлари ва бурчлари Америка декларацияси каби инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларда инсоннинг зўравонлик, қаттиқ ва шафқатсиз муомала ҳамда эксплуатациядан холи бўлиш ҳуқуқлари кенгроқ мазмун билан бойитилди. Бу ҳуқуқлар барча инсонларга, шу жумладан, болаларга ҳам бирдек тегишли бўлиб, 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактда янада ривожлантирилди ва уларнинг кўлами кенгайтирилди.*

Бола ҳуқуқлари ҳақида алоҳида ва махсус тартибда аниқ-равшан белгилаб берилган янги халқаро ҳужжат ишлаб чиқиш зарурати халқаро ҳамжамият томонидан бир овоздан эътироф этилиб, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йилда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қабул қилинди [2:16].

Ушбу ҳужжат орқали Ўзбекистон ҳам Конвенция қоидалари ва принципларига риоя қилиш мажбуриятини ҳамда жаҳон ҳамжамияти олдида жавобгарлик масаласини ўз зиммасига олди. Лекин, шунга қарамай, дунёда бола ҳуқуқларининг бузилиши энг кўп учрайдиган ҳолат сифатида давом этмоқда. Бола ҳуқуқлари таъминланиши ва уларга амал қилинишини назорат қилиб, кузатиб боришга масъул халқаро тоифадаги орган – Бола ҳуқуқлари кўмитаси ҳуқуқ тарихида биринчи мартаба ушбу ҳужжатга кўра ташкил этилган.

Бола ҳуқуқларининг энг содда кўриниши ҳар бир боланинг ўзига етказиладиган зиён (зарар)дан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига алоқадор масалаларни атрофлича муҳокама қилишдан иборатдир. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кенг қамровли, зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни, жумладан, уй, жой ёки мактабларда кузатиладиган зўравонлик сингари айрим ҳолатларни қамраб олади” [2:12].

Бола ҳуқуқларининг бузилиши инсон ҳуқуқлари бузилиши бўлибгина қолмай, болаларнинг саломатлиги ва ривожланишига қарши қаратилган, жамоатчилик томонидан тан олинмаган ҳамда оммага етарлича маълум бўлмаган улкан тўсиқдир. Зўравонлик, кўпол ва шафқатсиз муомалага, эксплуатацияга маҳкум этилган болалар:

умр қисқариши;
жисмоний ва ақлий саломатликка путур етиши;
таълим муаммолари (бу, ўз навбатида, мактабга мунтазам қатнамасликни ҳам ўз ичига олади);
ўзларини келгуси ҳаётларида ота-оналик учун лозим бўлган етарли малака ва кўникмаларига эга бўлмаслик;
уйсизлик, қайдилик ва муқим турар жойларидан ҳайдалиш хавфи остида яшамокдалар [2:13].

Инсон туғилиши билан муайян ҳуқуқларга эга бўлади. Аммо, бола ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила оладиган даражага етгунига қадар унинг манфаатларини қонун қучи билан ҳимоя қилиш зарурати пайдо бўлади. Жамиятда бола ҳуқуқларини таъминлашда маълум бўшлиқлар юзага келаётгани бв борада идоралараро мувофиқлаштириш фаолияти суғлигини кўрсатди. Бола ҳуқуқларининг турли

кўринишларда бузилиши ҳолатлари бўйича айбдорларни жазолаш билан самарали натижага эришиб бўлмайди. Статистик маълумотларга қараганда, дунёда болалар ҳуқуқлари энг кўп бузилишига асосий сабаб ҳам айнан уларнинг ёшлиги билан боғлиқ. Жумладан, болалар овоз бериш ҳуқуқига эга эмас, суд тизимида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жиддий муаммоларга дуч келади.

Жаҳонда ҳар икки соатда болалар омбудсманига вояга етмаганлардан иккитадан мурожаат келиб тушади. Улар нафақат болаларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатига тааллуқли, балки мураккаб вазиятларда маслаҳат бериш бўйича илтимослар ҳамдир. Бу каби ҳолатлар халқаро ҳуқуқ тизимида болаларнинг ҳуқуқ, имтиёз ва қафолатларини қамраб олувчи “бола ҳуқуқлари” деган соҳани юзага келтирди ва ҳар бир жамият олдида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини қонуний қафолатлаш вазифасини қўйди.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда болаларнинг билим олиш ҳуқуқи, виждон эркинлиги ва диний эътиқоди ҳуқуқи, меҳнатга оид муносабатлар, суд амалиётида ҳимоя қилиш, оналар ва болалар соғлигини муҳофоза қилиш борасида катта тажриба тўпланди.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда болалар фаровонлигини таъминлаш масаласига давлат сиёсати даражасида қаралиб, қуйидаги йўналишлар устуворлик касб этди:

1) болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

2) аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, тиббий хизмат моддий-техник базасини мустаҳкамлаш асосида соғлом авлодни вояга етказиш ишларини янада кучайтириш;

3) таълим соҳаси моддий-техник базасини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш, реал иқтисодиёт тармоқларида талаб қилинаётган мутахассисларни тайёрлаш, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;

4) таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни жорий этиш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини мустаҳкамлаш, ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш;

5) замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш;

6) ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш ишларини кучайтириш, ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини қуриш ва уларни жиҳозлар билан таъминлаш;

7) ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш;

8) ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш, фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш;

9) ёш оилалар тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш;

10) ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни четдан кириб келаётган паст савияли “оммавий маданият” иллатларининг зарарли таъсири ва таҳдидларидан муҳофаза қилиш;

11) оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистонда бола фаровонлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган давлат дастурларининг мақсади, мазмуни ва аҳамияти тўғрисида тушунтириш ишларини тизимли асосда ташкил этиш.

Юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаракат дастури қабул қилиниб, дастурнинг асосий йўналишлари доирасида қуйидаги механизмлар жорий этилди:

миллий даражада мақсадларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича умумий саъй-ҳаракат кўлами, устувор йўналишлар ва мўлжаллар белгиланди;

миллий мақсадларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик ҳамда минтақавий ва маҳаллий даражада болалар фаровонлигини яхшилаш тизими шакллантирилди;

Адабиётлар

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Тошкент: / “Халқ сўзи”, 2019 йил 7 декабрь.
2. Болаларни ҳимоя қилиш. Парламент аъзолари учун қўлланма.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг илмий-назарий асосларига тўқтаб ўтдик. Бунда бола ҳуқуқларининг бузилиши инсон ҳуқуқлари бузилиши бўлибгина қолмай, болаларнинг саломатлиги ва ривожланишига қарши қаратилган, жамоатчилик томонидан тан олинмаган ҳамда оммага етарлича маълум бўлмаган улкан тўсиқлар ҳақида ва мамлакатимизда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаракат дастури қабул қилиниб, дастурнинг асосий йўналишлари доирасида механизмлар жорий этилиши ҳақида.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится Мы затронули научно-теоретические основы защиты прав детей в нашей стране. В то же время нарушение прав детей - это не только нарушение прав человека, но и огромное препятствие на пути к здоровью и развитию детей, не признанное обществом и недостаточно известное общественности о зрелости.

SUMMARY

We touched upon the scientific and theoretical foundations of protecting the rights of children in our country. At the same time, violation of children's rights is not only a violation of human rights, but also a huge obstacle to the health and development of children, not recognized by society and not well known to the public about maturity.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Т.Н.Калмуратов – таянч докторант

Мақтабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти

Таянч сўзлар: мактабгача таълим сифати, сифатни бошқариш, халқаро тажрибалар, сифатни баҳолаш, мактабгача таълим сифатини баҳолаш мезонлари.

Ключевые слова: качество дошкольного образования, управление качеством, международный опыт, оценка качества, критерии оценки качества дошкольного образования.

Key words: quality of preschool education, quality management, international experience, quality assessment, criteria for quality assessment of preschool education.

Жамият ҳаётида амалга оширилган ёки оширилаётган ҳар қандай фаолият сифати ва натижасини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳолат таълим тизими шу жумладан, мактабгача таълим тизими, унинг бугунги кунда катта имтиёзлар берилаётган, молиявий манбалар ажратилаётган давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат қисми учун ҳам ўринлидир. Сабаби, давлат ва ҳукумат томонидан қаратилаётган эътибор маълум вақт давомида ўз натижасини бериши керак ва бу таълим сифати ва натижадорлигида кўриниши лозим.

Шу нуқтаи назардан, давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини такомиллаштириш, сифатни баҳолаш учун қандай механизмлардан фойдаланиш керак, қандай сифат мезонлари асос сифатида олиниши зарур, баҳолаш қим томонидан ўтказилиши лозим каби саволларга жавоб топиш мақсадида халқаро тажрибалар қиёсий ўрганилди.

Халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, таълим сифатини баҳолаш тизими қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:

таълим сифатини баҳолаш тизими мутлақо мустақил бўлиши, турли бошқарув тузилмалари босимидан холи бўлиши;

баҳолаш даражалари, таққослама характерга эга бўлиши, яъни таълим ташкилотининг янада ривожланиши учун ўзига хос “Йўл харитаси”ни белгилаши;

сифатни баҳолаш натижалари жамият аъзолари учун осон, тушунарли бўлиши учун логотип, сифат белгиси ва бошқа турдаги визуал ифодага эга бўлиши;

баҳолаш баҳоланувчи таълим ташкилотлари учун ихтиёрий хусусиятга эга бўлиши;

мутахассисларни қўллаб-қувватлаш тизими педагогларни ўзини ўзи баҳолашга, фаолиятидаги бўлиқларни, камчиликларни бартараф этишга йўналтириши;